

АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ
ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

**“АЛИШЕР НАВОЙ ВА ШАРҚ
РЕНЕССАНСИ”
II ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМИ**

МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

Тошкент шаҳри, 2023 йил, 8-9 февраль




“Ilm-Ziyo-Zakovat”
2023

Жабборов Нурбой АБДУЛҲАКИМОВИЧ,
филология фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети

АЛИШЕР НАВОЙЙ ЭСТЕТИК ОЛАМИНИНГ СИРОЖИДДИН САЙИД ШЕҶЕРИЯТИ ПОЭТИК ТАКОМИЛИГА ТАЪСИРИ

Аннотация: Мақолада буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий эстетик оламининг Ўзбекистон Халқ шоири Сирожиддин Сайид шеърияти поэтик такомилига таъсири масаласи тадқиқ қилинган. Ижодий таъсир беш йўналишда кечгани аниқланган: биринчиси, Алишер Навоий шеърларига тазмин битиш; иккинчиси, буюк шоир ижодини ўрганиш авлод камолотининг асосий омили экани руҳида шеърлар ёзиш, учинчиси, мумтоз шеърий жанрларда Навоий анъаналарни давом эттириш, тўртинчиси, арбаъинчилик анъанасининг янгиланиши ва бешинчиси, улуғ салафи ғазалларига тахмис боғлаш. Сирожиддин Сайиддининг мумтоз шеърият анъаналарини муносиб давом эттириб келаётгани, “Хамса” ҳайратлари” туркум шеърлари Алишер Навоий “Хамса” асарининг биринчи достони – “Ҳайрат ул-аброр”нинг айрим лавҳаларига тазмин сифатида ижод этилгани юзасидан илмий қарашлар билдирилган. Шоирнинг Алишер Навоийга бағишлиланган шеърлари ҳамда буюк мутафаккир ғазалларига битилган мухаммаслари таҳлилга тортилган. Алишер Навоий ижодий қашфиётлари Сирожиддин Сайид шеърияти такомилида муҳим ўрин тутиши ҳақида илмий-назарий хуросалар чиқарилган.




Калит сўзлар: шеър, ғазал, мухаммас, дастон, тазмин, татаббу, анъана, ижодий таъсир, поэтик та-комил, бадиий талқин.

Аннотация: В статье рассматривается влияние эстетического мира великого поэта и мыслителя Алишера Навои на поэтическое развитие поэзии народного поэта Узбекистана Сироджиддина Сайида. Определено, что творческое воздействие шло по пяти направлениям: первое – написание тазминов (включение в стихи стихотворных строк других поэтов) на стихи Алишера Навои; во-вторых, создание стихов в том духе, что изучение творчества великого поэта является главным фактором совершенствования поколения, в-третьих, продолжение традиций Навои в классических лирических жанрах, четвертое, обновление арбаинской традиции и пятое, создавать тахмисы (пятистишия, в которых к каждому бейту чужой газели добавляют три оригинальные строки) к газелям великого предшественника. Были высказаны научные мнения о том, что Сирожиддин Сайид продолжает традиции классической поэзии, и что серия стихов цикла "Хамса" ҳайратлари" ("Чудеса Хамсы") созданы в качестве тазмина к некоторым эпизодам первого эпоса Алишера Навои "Хамса" – "Хайрат ул-абброр". Анализируются стихи поэта, посвященные Алишеру Навои, и его мухаммасы (пятистишия) к газелям великого мыслителя. Сделаны научно-теоретические выводы о том, что творческие открытия Алишера Навои играют важную роль в развитии поэзии Сироджиддина Сайида.

Ключевые слова: стих, газель, мухаммас, дастан, тазмин, татаббу, традиция, творческое влияние, поэтическое развитие, художественная интерпретация.

Abstract: The article discusses the influence of the aesthetic world of the great poet and thinker Alisher Navoi




on the poetic development of the poetry of the people's poet of Uzbekistan Sirojiddin Sayyid. It was determined that the creative influence went in five directions: the first was the writing of tazmins (inclusion of poetic lines of other poets in verses) based on the verses of Alisher Navoi; secondly, the creation of poems in the spirit that the study of the work of a great poet is the main factor in the improvement of the generation, thirdly, the continuation of the traditions of Navoi in the classical lyrical genres, the fourth, the renewal of the Arbain tradition, and the fifth, to create tahmis (five lines in which three original lines are added to each bayt of a foreign ghazal) to the ghazals of the great predecessor. Scientific opinions were expressed that Sirojiddin Sayid continues the traditions of classical poetry, and that a series of poems from the cycle "Khamsa" khayratlari" ("Miracles of Khamsa") were created as tazmin for some episodes of Alisher Navoi's first epic "Khamsa" - "Khairat ul- abror". The poems of the poet dedicated to Alisher Navoi and his muhammas (five lines) to the ghazals of the great thinker are analyzed. Scientific and theoretical conclusions are drawn that the creative discoveries of Alisher Navoi play an important role in the development of the poetry of Sirojiddin Sayyid.

Key words: *verse, ghazal, mukhammas, dastan, tazmin, tatabbu, tradition, creative influence, poetic development, artistic interpretation.*

КИРИШ


Маоний аҳлининг соҳибқирони ҳазрат Алишер Навоийнинг бадиий ижоддаги кашфиётлари, қарийб олти асрдирки, кейинги барча замонларда миллат адабий-эстетик тафаккури такомилига ҳаётбахш таъсир ўтказиб келаётир. Бу ижодий таъсир буюк шоир асарларига тазмин ва татаббулар ёзиш, ғазалларига



тахмис боғлаш, турли адабий тур ва жанрларда улуғ мутафаккир образи тасвири, ижодий анъаналарини давом эттириш ва янгилаш каби шаклларда намоён бўлаётгани кузатилади. Қайси шаклда бўлмасин, бу улуғ зотнинг ижод лабораториясига кириш, шеърият мактабидан, Мақсад Шайхзода таъбири билан айтганда, санъатхонасидан сабоқ олиш адабиётга оҳорли поэтик шакл ва мазмун, янги образ ва талқин усуслари кириб келишига, бадиий-эстетик тафаккурнинг такомилига хизмат қилмоқда. Янги замон ўзбек шеърияти ҳам бундан мустасно эмас. Ойбек ва Ғафур Ғулом, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов, Рауф Парфи ва Омон Матжон, бугунги адабий жараённинг фаол намояндлари бўлган шоиру адиллар ижодида буюк Навоий таъсирини сезмаслик мумкин эмас. Алишер Навоий ижодий кашфиётларини ўрганиш, бадиий ижодда унга издошлик қилишга интилиш буюк бобокалонимиздан кейинги барча даврлар адабиётида ўсиш ва улғайишнинг асосий омили бўлган, поэтик тафаккурни янги миқёсларга юксалтирган. Ушбу мўъжаз тадқиқотда Сирожиддин Сайид ижоди мисолида замонавий ўзбек шеъриятида бу жараён қандай шаклларда, қайси эстетик қонуниятлар асосида кечаетганини таҳдил этишга ҳаракат қилинади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Алишер Навоий эстетик олами – бебаҳо ва туганмас хазина. Бу хазинадан баҳраманд бўлган ҳар қандай шоиру адаб ижоди, шубҳасиз, бойийди ва равнақ топади. Ўзбекистон Халқ шоири Сирожиддин Сайид шеърияти такомилига ҳазрат Навоий ижодий тажрибаларининг таъсири билан боғлиқ изланишлар ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Шоир ижодида буюк салафининг таъсири беш йўналишда кечгани кузатилади:




1. Алишер Навоий шеърларига тазмин битиши.
2. Буюк шоир ижодини ўрганиш авлод камолоти-нинг асосий омили экани руҳидаги шеърлар.
3. Мумтоз шеърий жанрларда Алишер Навоий анъаналарни давом эттириш.
4. Арбаъинчилик анъанасининг янгиланиши.
5. Улуғ салафи ғазалларига тахмис боғлаш.

Қайси йўналиш ёки шаклда бўлмасин, Алишер Навоий ижодидан олинган баҳра, бу улуғ мутафаккир санъатхонасининг сабоғи Сирожиддин Сайид ижодий камолотида муҳим ўрин тутиб келаётир.

Алишер Навоий шеърларига тазмин битиши. Атоуллоҳ Ҳусайний тазминга: "...шоир бир мисра ё бир байт ёки икки байтни ўз муродин тугалламакка кўмак олиш ва анинг таъкиди учун орият йўли била шеърда мақол келтирганларидек ўз шеърида келтириши" [2.246] дея таъриф беради. Мумтоз салафлари ижодидаги тазминлардан фарқли ўлароқ Сирожиддин Сайид "Хамса" ҳайратлари туркумида тазмин байтларни шеърнинг ичida эмас, худди эпиграф каби алоҳида келтиради. Тазмин қилинган байт ёки бир неча байт шоирга илҳом ва ғоя беради, янги талқинлар учун асос бўлиб хизмат қиласди.

"Хамса" ҳайратлари – Сирожиддин Сайид шеъриятида янги саҳифа очган туркум. Буюк бешлиқдаги ўзи ҳайратланган сатрларга тазмин битган шоир кўнглидан ўтказган лирик кечинмаларни фалсафий тафаккур уйғунлигига бетакор талқин этади. Ҳазрат Алишер Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр" даги муножотларидан таъсирланган ижодкор "Аввалғи муножот"-дан мана бу сатрларни келтиради:

*Эй Санга мабдаъда абаддек азал,
Зоти қадиминг абадий ламъязал.*



*Не бўлуб аввалда бидоят Санга,
Не келиб охирда ниҳоят Санга.
Аввал Ўзунг, охиру мобайн Ўзунг,
Борчаға холиқ, бориға айн Ўзунг [1.17].*

Аллоҳ таолонинг сифатлари юксак фасоҳат билан васф этилган бу мисралар ақоид илми билан боғлиқ ҳақиқатларни ўзида мужассам этгани маълум. Замондош шоирларимиз учун, одатда, бу турдаги сатрларга тазмин битиш тугул улар замиридаги моҳиятни англаш ҳам осон кечмаслиги аён. Шу жиҳатдан, Сироҗиддин Сайийднинг айни мавзуга қалам уриши унинг Алишер Навоий ижодига бўлган ихлоси нечоғлиқ баланд эканини кўрсатади. Шунинг баробарида, унинг бу йўналишда шеър ёзишга бўлган интилиши шунчаки ҳавас бўлмай, пухта илмий-маърифий ва адабий-эстетик заминга эга эканидан далолат беради. Шоирнинг “Ҳайрат ул-аброр”даги дастлабки муножотдан олинган мазкур сатрларга битган тазмини ушбу фикрни қувватлайди:

*Сен Ўзингсан ул абаддин ҳам азал,
Ул азалдин ҳам иборат – сен Ўзинг...
Баргу япроқ айтадир такбир Сенга,
Ҳар ниҳолдин ҳар ибодат – сен Ўзинг...
Сен Ўзингсан лойга жон этган ато,
Тош аро мавжуд сироят – сен Ўзинг.
Барча пинҳон ичра пайдосан, яна
Барча пайдода синоат – Сен Ўзинг.
Сен Ўзингсан ҳам Раҳиму ҳам Карим,
Ҳар каромат, ҳам иноят – сен Ўзинг...
Сен Ўзингсан ибтидосиз ибтидо,
Бениҳоят, бениҳоят – сен Ўзинг [7.15-16].*

Хазрат Навоий муножотига тазмин қилинган ушбу байтлар, биринчидан, мазмунан ақоид илмиға ҳар жиҳатдан мувофиқ экани, иккинчидан, мумтоз шеърият тала-бларига түлиқ мослиги, учинчидан, илхом ва завқу шавқ билан битилгани жиҳатидан қимматлидир.

“Ҳайрат ул-аброр”даги Низомий Ганжавий васфиға бағишиланган бобдан: “Ранж тоғин қозмоқ аниң пешаси, Тоғи аниң назму тили тешаси” [1.39] сатрларини иқтибос олар экан, ҳайратларини шеърга айлантиради. Шоир фикрича, назм тоғи беҳиштнинг чаман боғи эмас, уни сўлим соҳил ё дашт тупроғига ҳам, боғу бўйстоннинг гул қучоғига ҳам қиёслаб бўлмайди. Мана бу ташбех ҳазрат Навоий поэтик холосасининг мутлоқ янгилангани жиҳатидан қимматлидир: “Бунда заҳмат чекиб кўйқан Фарҳоддай Назм эли туну кун сўз қазийдилар” [7.22].

Шеърнинг давомида назм тоғида сўз қазишнинг – шоир меҳнатию заҳматининг нечоғлиқ машаққатларга түлиқ экани тутилмаган образлар орқали сувратлантирилгани эътиборга лойиқдир:

*Бунда роҳат бўйлас, бўймагай ором,
Қийнарлар ўз жисму жонини фақат.
Юрак-бағирларин айлаб туриб жом,
Шоирлар ичгайлар дил қонин фақат [7.22].*

Ижоддан кутилган самарага эришмоқ учун тун билан куннинг тафовутини унутиш даражасида заҳмат чекмоқ зарур. Ҳатто бунинг ўзигина кифоя қилмайди, ана шу заҳматдан ҳаловат ҳам топмоқ керак. Табиийки, бундай мақомга эришмоқ қийиндан қийин:

*Қазиш осон эмас сўз харсангларин,
Тафовут бўймагай тун билан кунда.*

*Шеърнинг шўху шингарф ранг, оҳангларин
Гиёҳлар, жилғалар бергайлар шунда [7.22].*

Назм тоғининг Фарҳоди бўлиш осон эмас. Бу дараю ғорларда не зотлар рўшнолик кўрмай, беному нишон ўтганлари бунинг исботидир. Лекин, таажжуб шундаки, минг йиллардан буён айрим тақлидчи, гапдон тўтилар бунда гердайиб юришини қўймайди. Бу роҳу манзилнинг жангал, бешаси кўп бўлгани каби йўлбарсу кийиклари ҳам мўл. Сўз доғини тортган ҳар вола дилнинг лола доғи янглиғ қуюклари ҳам бор. Бу тоғ чўққисига қараб интилган ҳар кимга гоҳи зар тўкилса, гоҳи насибаси қум-куқун бўлади. “Бунда жон берилгай ҳар бир тош учун, Қон билан ёзилгай ҳар ному наساب” [7.23] – ижод мashaққати бошқа бирор шоир назмида бундай талқин этилмагани Сирожиддин Сайиднинг бетакрор ва салоҳиятли шоир экани далилидир.

*Юксалиб боргайдир бу тоғ бош узра,
Дил бунда болғаю тил теша бўлгай.
Майда маъдантош ё чақмоқтош узра
Минг бир машаққату андеша бўлгай.
Ким мўмиё излар, кимдир қор қурар,
Тоғ узра осмон ҳам чексиз ва мовий.
Юксак чўққилардан жилмайиб турар
Низомий, Дехлавий, Жомий, Навоий [7.23].*

Ҳазрат Навоий назмни ранж тоғига, буюк Низомий тилини тешага қиёслаган бўлса, Сирожиддин Сайид дилни болғага қиёслаш орқали ижод мashaққати моҳиятини оҳорли ифодалайди. Буюк Навоий ижод-хонасидан муттасил равишда муносиб сабоқлар олаётган Сирожиддин Сайидни назм тоғининг кўҳкан Фарҳодига тенглаштирсак, асло муболаға бўлмас.

Мумтоз шеъриятда “матбуъ шеър” истилоҳи бор ва унинг қатъий талаблари мавжуд. Атоуллоҳ Ҳусайнин “Бадойиъус-с-санойиъ” асарида бу турдаги шеърларга куйидагича таъриф беради: “Матбуъ деб андоқ шеърға айтурларким, ул соғлом табъларға мақбул вазнға, тузук қоғияға асосланган бўлур, алфози ёқимилиғу истеъмолда машҳур бўлур, таркиби мустаҳкаму латиф бўлур, анинг маъноси мақбул бўлур, кишиларнинг кўнглига теккан бўлмағай; санойиъдин нимаки анда ишлатилган бўлса, етук тарзда бўлғай ва анинг туфайлидин англамиғаю ҳусн-и адосиға қусур етган бўлмағай; қадимғилар шеър жиҳатдин ортиқча ҳарфу алфоз ва алфоз ўзгаришларидин холий бўлғай” [2.273]. Сирожиддин Сайийднинг “Хамса” ҳайратлари туркум тазминлари, ана шу талабларга тўлиқ жавоб бериши нуқтаи назаридан матбуъ шеърларга ҳар жиҳатдан мувофиқ келади.

Буюк шоир ижодини ўрганиш авлод камолотининг асосий омили экани руҳидаги шеърлар. Сирожиддин Сайийд шеърларидан бирини “Навоийни ўқиш” деб номлаган. Унингча: “Ҳар бир калла, ҳар бир бош жаҳолатдан қўрқиши керак. Ҳар бир бола, ҳар бир ёш Навоийни ўқиши керак”. Навоийдек улуғларни ўқимаслик, англамаслик жаҳолатга олиб келишидан огоҳ қилишни бурч деб билган шоир фикрича:

*Ҳар бир ота, ҳар бир мўйсафи
Умр ҳикматларин кўрсатиб,
Нафс арқонларин қўрқиши керак,
Фарзандлари, набирасига
Навоийни ўқиши керак [5.424]*

Сирожиддин Сайийд ҳазрат Навоийнинг буюклигини тафаккур ила теран англаған ва қалбан чуқур


хис этган ижодкор. Шоир фикрича, буюк бобокалонимизнинг мунааввар исми тийра дунёга зиё сочади. У туғилган кунда ҳар қўнгил ишқ ичра покланади, улус миллатга айланади:

*Ҳар қўнгил ишқ ичра пок
тийнат бўлар қундир бу қун,
Битта сўз олам аро
зийнат бўлар қундир бу қун.
Тийра дунёга зиё
сочгай мунааввар бир исм,
Бир исмдан бир улус
миллат бўлар қундир бу қун [5.425].*

Шеърда мисраларни синдириб ифодалаш – поэтический метод. Бу орқали шоир асосий фикрга урғу бериш ва сўзнинг таъсир кучини оширишга эришган.

“Мир Алишер” шеърида шоир ҳазрат Навоийни – тирикликтининг бонги, буюкликтининг ранги, дея васф этади. Шоир мисралар тагматнига теран мазмун юклайди. Ҳазрат Навоийнинг туркий тил ва адабиёт ривожидаги хизматларини: “Бир ёришди зим-зиё олам, Туркийларнинг тонги Навоий”, дея улуғласа, башарият ирфоний-эстетик тафаккури такомилидаги ўрнини: “Беш асрлик рўёдир дунё, Беш асрлик ўнги Навоий”, дея ўзига хос талқин этади. Унингча, Навоий шундай бир уммонки, унинг ибтидоси ҳам, сўнги ҳам йўқ. Замонлар ўтаверади, лекин Навоий ҳар доим янги бўлиб қолади. Шеърнинг финалида, айниқса, муҳим бадиий умумлашмага келинган: Ватан каби поёни йўқдир, Ватан каби мангу Навоий [5.470].

Сирожиддин Сайид учун Алишер Навоий ижоди – адабий-эстетик мезон. Шоир барча даврлар шеъриятига ана шу юксак мезондан келиб чиқиб баҳо беради.



ди. Мана бу тўртлиқда гарчи ўз номидан сўзлагандек туюлса ҳам, замондош шоирлар ижоди буюк Навоий навоси олдида катта қимматга эга эмаслиги билан боғлиқ кечинмалар оҳорли ифодаланган:

*Ҳазрат Навоийдан наволар келгай,
Абадий барҳаёт садолар келгай.
Ул зот бунёд этган маъни қасрига
Биз янглиғ сўзга зор гадолар келгай [7.87].*

Шоир буюк салафи ижодий меросининг нафақат миллий адабиётимизнинг, балки жаҳон бадиий-эстетик тафаккурининг нодир намуналари эканини ҳар бир шеърида ўзгача рух, бир-бирини такрорламайдиган оҳорли образлар, янгидан-янги бадиий тасвир воситалари орқали ифода этади. Жумладан, яна бир шеърида карвон ва сарбон образлари воситасида мана бундай тўхтамга келади:

*Асрлардан юзиб келур назм карвони, лек
Мир Алишер Навоийдек сарбон бўлолмагай [5.461].*

“Мангу номлар” шеърида ҳам шунга монанд фикр теран мазмун ва гўзал бадиият уйғунлигига талқин этилади:

*Токи Навоийдан наво таралмиш –
Дунёда янги бир дунё яралмиш [5.353]*

Сирожиддин Сайийд авлодни Навоийга интилиб яшашга даъват этади. Унинг бу борадаги фикрлари шунчаки даъват ёки шиор эмас. Улар юрак қўри билан суғорилгани, ўқувчи қалбининг туб-тубига етиб бориши, тутилмаган ташбеҳлар, оҳорли образлар воси-

тасида ифодалангани билан юксак эстетик қимматга эга.

Мумтоз шеърий жанрларда Алишер Навоий анъ-аналарни давом эттириш. Сирожиддин Сайид Навоийни кўп мутолаа қиласи. “Хазойин ул-маоний”ни хатм қилган кунини энг катта байрам деб билади. Буюк салафи ижодидан ирфоний завқ ва сўнмас илҳом олади. Ҳазрат Навоий ижодига хос мумтоз лирик жанрларга дадил қўл уриши сабаби шунда. Муҳими, қайси жанрда ижод қилмасин, шеърларида улуғ Навоийдан, мумтоз шеъриятимиздан баҳрамандлик таъсири се-зилиб туради:

Чаман ичра ўзи ҳам бир
атиргулдай бўлиб қолгай,
Дилимнинг қонига булбул
қанотин гар булаб қўйса...
Менга ханжар билан шамшир
тиғига ҳаргиз ҳожат йўқ,
Узун мижгонларини гар
нигорим бир қадаб қўйса [6.451-452].

“Менга ханжар билан шамшир тиғига ҳаргиз ҳо-жат йўқ” мисрасидаги вазн сакталигини эътиборга олмаганда, бу байтлардаги мумтоз ғазалнавислика хос жозибани ҳис этмаслик мумкин эмас. “Дил қони” истиораси, “атиргул” ва “булбул” образлари, “ханжар-шамшир-мижгон” учлиги воситасида теран маз-мун гўзал ва бетакрор бадиий шаклда талқин этилган.

Замонавий шеъриятимизда ғазал, муҳаммас жанрларида Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовдан кейин энг фаол ва маҳорат билан ижод қилаётган шоир Сирожиддин Сайиддир. “Инсонға эрур камол матлуб, Андин дағи дарду ҳол матлуб” – ҳазрат Навоийнинг

ушбу сатрларидаги моҳият невара шогирдининг ғазалларида ҳам бўй кўрсатаётгани мумтоз шеърият мухлисларини қувонтириши табийи.

Мен ишқ элининг нолаю афғонида қуидим.

Кўнгил уйининг оташи армонида қуидим [4.247] –

Шоирнинг ушбу матлаъли ғазали шеърият мухлисларининг ва илму ижод аҳлиниңг муносиб эътирофига сазовор бўлгани аён. Халқимизнинг ардоқли санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев ижросида мумтоз қўшиққа айланиб, кўнгиллардан чуқур жой олгани маълум. Бир қанча йиллар мұқаддам “Халқлар дўстлиги” саройида Шерали Жўраев ижросида мазкур қўшиқ ижро этила бошлагандан, Сирожиддин Сайиднинг шундоқ ёнида ўтирган томошабинлардан бири шоирнинг тиззасига уриб: “Оҳ, Навоий!” – дея нидо қилган экан. Шоир: “Ғазалимнинг Навоий асарига тенглаштирилгани умрим давомида менга берилган энг катта мукофот!” – дейди. Дарҳақиқат, ушбу ғазал мумтоз ғазалчиликнинг барча талабларига жавоб бериши баробарида эл кўнглидаги туйғулар ифодалангани жиҳатидан ҳам қимматлидир. Мана, шоирнинг яна бир мумтоз ғазали:

Дил бу қун, бошдин оёғим дил бу қун,

Ҳар қарору ҳар қароғим дил бу қун.

Дилдин ўзга қолмади манзил манга,

Энг яқин ҳам энг йироғим дил бу қун [5.449].

Сирожиддин Сайид – дил шоири, руҳият шоири, бошдан-оёғи дилдан иборат бўлган ижод соҳиби. Муаллифнинг бу изҳорида муболага йўқ. Зеро, туйғунинг самимияти ва сўз латофати шеърни нурлантириб

юборади, поэтик мазмунга кувват беради. Сўз, ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, “ҳақиқат ўтидан чошни (баҳра)” топгандагина тошни ҳам сув каби эри-та олади. Туйғу самимияти, фикр теранлиги, бадиият мукаммаллиги – ушбу ғазал ютуғини таъминлаган бадиий-эстетик омиллар мана шулардир.

*Кўксим ичра йиғлаюр қизғиши хазон,
Ўртаниб чеккан фироғим дил бу қун.
Ўтмасин дил фасли, эй, устоз фалак,
Менга дарс бергил, сабоғим дил бу қун!
Кўйнида тошлар ниҳон каслар аро
Яккаю танҳо яроғим дил бу қун [5.449].*

Ғазал дилдаги пинҳон дардлар изҳори асосига қуррилган. “Дил фасли” – бу истиора замирида ҳам чуқур маъно яширин. Кўксисида қизғиши хазон йиғлаётгани, бундан ўртаниб фифон чекаётгани тасвирини берган шоир бундай ҳодисага саноқсиз марта гувоҳ бўлган устоз фалакдан дарс олмоқ истайди. Зеро, қўйнида қабоҳат тошлари ниҳон бўлган каслар кўп. Шоирнинг уларга қарши танҳо яроғи – дил. Барча замонларда ҳар қандай одам дуч келиши мумкин бўлган руҳий ҳолатнинг Сирожиддин Сайийдгагина хос тасвири берилган ушбу ғазалда. Ғазални мутолаа қилган ҳар бир киши унда ўзини, ўз кечинмаларини, ўз туйғуларини кўради. Зеро, шеърдан мурод ҳам шу – одамларга ойна мисоли фазлу нуқсини намоён этмоқ.

Бугунги кунда шеъриятимизда фикрни кўхна арузда ифодалашга интилиш тобора кучайиб бораётир. Бироқ аruz вазнида талаб даражасида ёза оладиган ижодкор бармоқ билан санарли. Сирожиддин Сайийд аruz вазнининг назарий қоидаларини пухта эгаллаган ва унда маҳорат билан ижод қилаётган шо-

ирлардан. Унинг ғазаллари бу жанрга қўйиладиган талабларга ҳар жиҳатдан мувофиқ келишини таъкидлаш керак. Ҳазажи мусаддаси маҳзуф (рукнлари: мафойлун-мафойлун-фаулун) вазнида ёзилган “Чамандирсан чамандан ташқарида” мисраси билан бошланувчи ғазали ҳам бу фикрни тасдиқлади:

*Мұхаббат жон билан қүнгил фанидир,
Надир ҳолинг бу фандан ташқарида.*

*Ниҳол эк әзгулик боғига, инсон,
Юрибсан то кафандан ташқарида [6.470].*

Әзгулик боғига ниҳол экиш – ўзидан әзгу ном қолдириш демақдир. Миллий адабиётимизнинг энг қадимги давридан то бугунга қадар мутафаккир ижодкорлар бир-бирини такрорламаган ҳолда ана шу умрбоқий ғояни оҳорли бадиий талқин этганини кузатиш мумкин. Бу кўхна ва теран фикрга янги поэтик либос кийдира олгани Сирожиддин Сайиддининг асосий ютуғидир.

*Ўзингдан ичкари кир, дилга киргил,
На бордир жон ва тандан ташқарида? [6.470]*

Ичкари ва ташқари, ботин ва зоҳир муносабатлари барча даврларда ҳам адабиётнинг, шеъриятнинг бош мавзуларидан бўлиб келган. Зоро, ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, инсон “Ўз вужудига тафаккур айлаган” тақдирдагина моҳиятга етмоғи мумкин. Ана шу ҳаётбахш ғоянинг замонавий шеъриятимизда ҳам маҳорат билан талқин этилаётгани таҳсинга лойиқ.

*Ватан ичра сафарлар айла, эй дил,
Ватан бўлмас Ватандан ташқарида [6.470].*

Нақшбандиёна “Сафар дар ватан”нинг замонага мос оҳорли поэтик талқини кўнгилларга нур олиб киради. Хаёлларингизга қанот бағишлайди. Қалбу шуурни чинакам ғазалиёт, ҳақиқий шеърият лаззатидан баҳраманд этади.

Умр ўткинчи, вақт ўтгувчиdir. Шундай экан, инсон умрнинг бирор лаҳзасини ғафлатда ўтказмаслиги зарур; вақтни қадрламоғи керак. Буюк боболар каби ҳар бир сониясини маънавий камолот учун сафарбар этилмаса, инсон ҳаётида ҳеч қандай маъни қолмайди. Азиз умр беҳуда ишларга, бесамар ҳою ҳавасларга қурбон қилинмаслиги лозим. Шоир ғазалларида ҳеч бир замонда эскирмайдиган шу ва шу сингари мавзулар қаламга олинади. Бу жиҳатдан, улар мумтоз ғазалиёт намуналарига менгзайди. Мұхими, бу каби мавзулар шунчаки баён этилмайди, бадиий тасвир замирига санъаткорона сингдирилади. Жумладан, шоир зеби зоҳирга берилиш, молпаратстлик инсонийликнинг асл моҳиятига зид эканини мана бу тарзда бадиий талқин этади:

*Солдинг баланд кошоналар,
айвонидан бош айланар,
Бошинг уза тош айланар,
мақсад ва аъмолинг надир?
Умринг бўйи мол истадинг,
қўргил, на иқбол истадинг,
Қаддингни ҳам дол истадинг,
йиққан зару молинг надир? [6.460].*

Ушбу ғазал бадииятини таъминлаган омиллар қўйидагилардир: 1) фикр латиф сўзлар ва сажъ орқали бетакрор ифодаланган; 2) бадиий санъатлардан (таносуб, тазод, ташбех) маҳорат билан фойдаланил-

ган; 3) мурожаат-савол усули қўлланган; 4) ғазалда вазн сакталиги учрамайди.

Шоир фардлар ҳам ёзди ва ёзяпти. Фард – ўзига хос жанр. Бор-йўғи икки мисрада олам-жаҳон маъно ифодалашни, ифодалаганда ҳам юксак бадиият та-лабларидан келиб чиқишни тақозо этадиган бу жанрнинг маълум бир мураккабликлари бор. Бу жанрда муваффақият қозониш учун шоир, биринчидан, оз сўзга кўп маъно юклай билиши, иккинчидан, мумтоз шеъриятимизнинг улуғ намояндалари назмий меросини пухта ўрганиб, фикрни санъаткорона ифодалаш сирларини эгаллаши, учинчидан, аruz илми сирларидан хабардор бўлиши талаб қилинади. Сирожиддин Сайиднинг бу борадаги маҳорати ҳам эътирофга лойик. Мана бу фард фикримизни тасдиқлайди:

*Яратган гар қаро холни
сенинг бўйнингга қўймишдир,
Анинг жабрини тортмоқни
менинг бўйнимга қўймишдир.*

“Бўйин” сўзи биринчи мисрада ўз маъносида қўлланган бўлса, иккинчи сатрда “зиммамга” маъносида қўлланган. Бу ҳол шоирнинг сўзни нозик ҳис этишидан, фикрнинг бадиий қувватини ошириш сирларини пухта эгаллаганидан далолат беради.

*Не учун келдинг жаҳонга – эл билан эл бўлмадинг,
Ўзгага бўй бўлмадинг, ўзингга ҳам эн бўлмадинг*
[6.308].

Ушбу фарднинг поэтик қиммати унда ирсоли масал санъатининг юксак маҳорат билан қўллангани ва бу орқали фикрнинг таъсиричан ифодасига эришилгани-

да кўринади. Фардда “Ўзига енг бўлолмаган ўзгага бўй бўлолмайди” деган халқона нақл ирсоли масал сифатида қўлланган. Натижада мазкур нақл шоир талқинида ўзига хос моҳият касб этиши баробарида шеърнинг таъсир кучи ошган, юксак бадиияти таъминланган.

Арбаъинчилик анъянасининг янгиланиши. Одамзод умрининг қиммати у яшаган ва яшаётган йиллар сони билан эмас, Ҳақни англаш даражаси, Ватан ва миллат олдидағи хизматларига кўра баҳоланади. Сирожиддин Сайид ижодининг дастлабки кезлариданоқ ана шу ҳикматни чуқур англаған, шеърларини ҳикмат нури билан суғорған, бадиий маҳорати тобора юксалиб келаётган ижодкор. Туркий шеъриятда ҳазрат Алишер Навоий бошлаб берган арбаъинчилик анъянасининг янгиланиши руҳидаги шеърларида ҳам ана шу хусусият яққол намоён бўлади. Шоирнинг “Қирқ ҳадис” туркуми бунинг ёрқин исботидир. Туркум Ҳақ таолога муножот билан очилади:

*Сенинг даргоҳингда қўзларимда нам,
Энда аён менга ул борар жойим.
Кечиргин отамнинг гуноҳларини,
Онамга умр бер ўзинг, Худойим [5.86].*

Қайси мавзуга бағишлиланган бўлмасин, шоир шеърларида ҳаёт фалсафаси гўзал бадиий шаклда ифодаланади. Ўзликни, умрнинг моҳиятини англаш ва англатиш шоир ижодининг асосини ташкил этади. Шеъриятимиз назариётчиси Шайх Аҳмад Тарозий муножотни: “Тенгри хузуринда тазарру қилмоқ” [8.32], дея таърифлаган эди. Тазарру руҳидаги муножотни битар экан, Сирожиддин Сайид солиҳ фарзанд сифатида аввало ота-онасини ёдга олади: Кечиргин отамнинг гуноҳларини, Онамга умр бер ўзинг, Худойим [5.86].


Сингил – тиловчи. Халқимизнинг бу ҳикмати ҳаёт ҳақиқатининг айни ўзини ифода этади. Мунис сингилларимиз ҳар доим акасининг саломатлигини, Худонинг паноҳида бўлишини тилайди. Акасининг камолини истаб ҳар доим қўли дуода. Сирожиддин Сайид шеърларида сингилнинг кўп ёд этилиши, бу муштипарнинг кузги райхонларга қиёсланиши сабаби шунда:

*Мен улуғ ҳикматни англадим чоғи,
Йиғлаб қонлар этиб кўнгилларимни.
Ўзинг омон сақла, асрагил ўзинг
Кузги райхонлардек сингилларимни [5.86].*

Сирожиддин Сайид – бутун вужуди, руҳи билан ватанпарвар, халқпарвар шоир. Ҳар қандай мавзудаги шеърида фикр, албатта, Ватан ва халқ меҳрига йўғрилиб ифодаланиши бунинг исботидир. Ушбу муножот-шеърдаги: “Ўзинг паноҳингга олгин мулкимни, Ўзинг юз ўғирма элим, юртимдан”, сатрлари ҳам буни тасдиқлайди.

“Қирқ ҳадис” туркуми “Замоннинг эгаси” шеъри билан очилади. “Замондан койинманглар, зеро замоннинг эга Оллоҳдир” мазмунидаги муборак ҳадис шоир талқинида мана бундай назмга солинган:

*Оллоҳ сизга берган ой ва йил учун
Арзир ҳар лаҳзанинг нақши бўлсангиз.
Азалдан ёмонга ёмондир замон,
Замон яхши эрур – яхши бўлсангиз.
Ҳар кимга дилдаги нияти йўлдош,
Эзгу мақсадлари бир умр ёрдир.
Замондан ҳеч қачон койинмангизким,
Замоннинг эгаси Парвардигордир [5.87].*



Аслида, муборак ҳадис мазмуни шеърнинг сўнгги икки сатрида тўлиқ ифодаланган. Унгача бўлган олти сатр ўқувчини ана шу ҳадисни англашга, унинг моҳиятини юракдан ҳис этишга тайёрлайди. Ҳар лаҳзанинг нақши бўлиш – умрнинг ҳар дамини ғанимат билмоқ, унга муносиб шукр бажо этмоқдир. Замон яхши бўлиши учун одамнинг ўзи яхши бўлмоғи, қалбида эзгулик нури чарақлаб турмоғи зарур. Нияти бузуқ, қилган иши ёмонлик бўлган одам замондан ўпкаlamасин – у қилмишига яраша жазосини олади. Ҳар кимнинг қисмати дилдаги ниятига боғлиқ. Эзгу мақсад билан яшамоқ барча яхшиликларнинг қалитидир – шеърда ҳаёт фалсафаси ана шу тарзда таъсирли ва фалсафий жиҳатдан теран талқин этилган.

Сирожиддин Сайид муборак ҳадислар мазмунини чуқур фалсафий моҳият ва гўзал бадиият уйғунлигига назмга айлантиради. Зоҳиран, бу осонга ўхшаб туюлади. Аслида эса, бунинг учун шоир ҳаётга файласуф нигоҳи билан қарай олиши, ҳадисдан қўзланган моҳиятни теран идрок этиши, ва ниҳоят уни юксак маҳорат билан бадиият дурдонасига айлантира олмоғи зарур. “Оллоҳ гўзалдир, гўзалликни яхши кўради” мазмунидаги ҳадисни шоир назмда мана бу тарзда ифодалайди:

Ялтироқ дунёning аҳволина боқ:
Унда шому саҳар ясан-тусандир.
Бари алдамчидир, бари омонат,
Фақат Ҳудо мангу, Ҳудо гўзалдир.
У гўзал ишларни хуш кўргай билсанг,
Анграйма ҳашамнинг бозорига сен.
Қалбинг гўзал бўлса, ахлоқинг гўзал,
Тушгайсан Оллоҳнинг назарига сен [5.111].

Таржимада беш сўз орқали ифодаланган муборак ҳадис мазмуни шеърда юксак бадиият, теран фалсафа ва халқона оҳанг воситасида бадиият ҳодисасига айлантирилган. Шеър мутолааси ўқувчини огоҳликка ундейди. У шому саҳарнинг ясан-тусани ўткинчи, фақат Худо мангу эканини юракдан ҳис этади. Ҳашамнинг бозорига анграймаслик зарурлигини англайди. Шуурига қалб ва ахлоқ гўзаллигига интилиш туйғуси инади.

Шоир муборак ҳадислар оламидан тенгсиз жавоҳирлар теради. Кўнглида улар ҳосил этган ёғдуни назм дурларига айлантириб, адабиёт муҳлислари нинг маънавий хазинасини бойита боради. Қирқинчи шеър юқорида тилга олинган “Сўзда сеҳр, шеърда эса ҳикмат бор” мазмунидаги муборак ҳадиснинг назмий шарҳига бағишланган:

*Сўз – инсон дилининг кўрк, либосидир,
Сўзким гўзал эрур, унда меҳр бор.
Бесабаб кўнгилга солмагай Худо
Бир сўзни, демакким, сўзда сеҳр бор.
Бу олам яшнагай эзгуликлардан,
Токи инсонларда қалб ва ҳиммат бор.
Шеър ҳам яралмагай бекорга асли,
Шеърда Расулуллоҳ айтган ҳикмат бор [5.113].*

Сирожиддин Сайид сўздаги сеҳр ва шеърдаги ҳикматни бутун моҳияти билан англаған, кўнгил мулкига, ҳаёт мазмунига айлантирган, умрининг ҳар лаҳзасида шеъриятга садоқатини намоён этиб келаётган шоирлардан. Шеърларида ҳикмат ва маърифат нури мужассам экани сабаби шунда. Асарлари назм дурданалари ўлароқ ўқувчини чуқур мушоҳада юритишга, ҳаёт фалсафаси хусусида теран тафаккурга ундаши боисини шунинг билан изоҳлаш мумкин.

Улуғ салафи ғазалларига тахмис боғлаш. Сирожиддин Сайид мумтоз шеъриятимизга хос мухаммас жанрида ҳам самарали ижод қилиб келмоқда. Адіб Собир Термизий, Лутфий, Ҳофиз Шерозий, Атойи, Алишер Навоий, Заҳирийдин Бобур, Сидкүй Хондайлиқий, Аваз Ўтар, Мұхаммад Шариф Сўфизода ғазалларига битилган тахмислари, Чўлпоннинг машҳур байтига битган тазмини шоирнинг бу мумтоз назмий жанрда чўнг маҳорат касб этганини тасдиқлайди. Шоир улуғ Алишер Навоийнинг ўнлаб ғазалларига тахмис боғлагани ва уларнинг барчаси юксак бадиий савияда ижод этилгани ҳам бунинг исботидир.

Мухаммас жанрининг қатъий талаблари бор: салафлар ғазалига боғланган уч мисра ғазал байтларига мазмун жиҳатдан ҳам, вазн ва бадиий санъатларга кўра ҳам шу қадар уйғунлашмоғи зарурки, ҳар беш мисра гўё бир шоир қаламидан чиққандек тасаввур ҳосил бўлиши керак. Сирожиддин Сайид мухаммаслари ана шу талабларга тўлақонли жавоб бериши билан алоҳида аҳамиятга эга. Ҳазрат Алишер Навоийнинг машҳур ғазалига боғланган мухаммаснинг мана бу сўнгги банди бу фикрнинг ёрқин исботидир:

*Кема эрур бу умр, чолғуси ҳар лаҳза бонг,
Битгуси ногоҳ сафар шом эрур хоҳи тонг,
Яхши эрур яхшилик бирла тўлиб фикру онг,
Яхшилар ичра ватан тутса Навоий не тонг,
Кимки ёмонлар била бўлди ёмон бўлдило [6.481].
Шоир ҳазрат Алишер Навоийнинг
Бизинг шайдо қўнгул бечора бўлмиш,
Маломат даштида овора бўлмиш –
матлаъли ғазалига ҳам тахмис боғлаган. Мисол учун мухаммаснинг сўнгги бандини келтирамиз:*

Умрлар тиклаган қасрингни бузким,
Бу уч кунлик сайр шарҳини тузким,
Кўнгилдин ҳам бутунлай кўнгул узким,
Навоий, чорадин кўп дема сўзким,
Гамингға чорасизлик чора бўлмиш [7.176].

Мумтоз шоирлар, айниқса, ҳазрат Алишер Навоий ғазалларига тахмис боғлаш ижодкордан катта маъсулият ва юксак маҳоратни талаб этади. “Навоий, чорадин кўп дема сўзким, Гамингға чорасизлик чора бўлмиш” – буюк мутафаккир байтида лирик қаҳрамон бошига тушган фожиа миқёси нечоғлик чўнг экани шу тарзда ифодаланган. Бу ўринда “чорасизлик” ва “чора” сўзларига юкланган маъно тақдирнинг беаёв зарбасига учраган инсон аҳволи руҳиясини бутун кўлами – мураккаблигию зиддиятлари билан ифодалаган. “Умрлар тиклаган қасрингни бузким, Бу уч кунлик сайр шарҳини тузким” сатрлари Сирожиддин Сайиднинг ана шу фожиа тасвирини навоиёна ҳаёт фалсафаси асосига қургани далилидир. “Кўнгилдин ҳам бутунлай кўнгул узким” – бу сатр чин маънода бадиий кашфиёт даражасига юксалган. Унда ифодаланган маънонинг поэтик талқини ҳазрат Навоий байтига узукка қўйилган кўз янглиғ мутаносиб. Буюк шоир байтида сувратланган фожиа тасвирининг янада тेरланлашувига хизмат қилган. Бундай сатрлар ўйлаб топилмайди – Тангри таолодан ато этилади.

Алишер Навоийдек буюк ижодкор ғазалларига муносиб даражада тахмис боғлаш осон эмас. Сирожиддин Сайид бу борада замонавий шоирларимиз орасида алоҳида ажralиб туриши айни ҳақиқатdir. Биргина мисол: ҳазрат Алишер Навоийнинг “Кўзунг не бало қаро бўлубдур” мисраси билан бошланувчи машхур тазмин-ғазалига боғлаган мухаммаси барча хусусият-

ларига кўра мумтоз шеърият мақомида экани билан қимматлидир. Мана, мухаммаснинг илк банди:

*Ким қошинга мубтало бўлубтур –
Ул икки қилич аро бўлубтур,
Дил ичра ики яро бўлубтур,
Кўзунг не бало қаро бўлубтур -
Ким, жонға қаро бало бўлубтур [7.176].*

Ёр қошига мубтало бўлган ошиқнинг бамисоли икки қилич аро қолиши – ҳайратланарли ва навоийона образ! Бундай образли тасвириň ўйлаб топиш маҳол... Бу даражадаги оҳорли ва мукаммал образ Тангри таоло ато этган илҳом ва ҳол натижасидагина яратилиши мумкин. Мухаммаснинг финали ҳам ҳазрат Навоийнинг поэтик хулосасига ҳар жиҳатдан монанд экани билан қимматлидир:

*Умрим ҳамаси ҳикояти ишқ,
Ҳам нолаю ҳам шикояти ишқ,
Мангу тугамас ривояти ишқ,
То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлубтур [7.176].*

Шоир буюк салафи ғазалларига тахмис боғлашда юксак маҳорат касб этганини алоҳида таъкидлаш керак. Буни санъат даражасида уddeлаш учун юксак ижодий салоҳият талаб этилади. Бунинг учун ҳазрат Навоийни муттасил мутолаа этиш, тунни тонгга улаб, ҳар бир сўз ва жумла, ҳар бир образ ва тимсол устида муентазам тафаккур юритиш, энг асосийси, руҳан буюк бобокалонимизга яқин бўлиш зарур. Сирожиддин Сайид “Шоир кимдир?” дея савол қўяр экан (“Нуқтаи назар” шеъри), “Мир Алишер бобонинг биринчи ва

мангу муовинидир” деган хулосага келади. Адабиётга бундай юксак мезонлардан қараңыз ижодкорга улкан масъулият ҳиссини юклайды. Ана шу масъулиятни түлиқ ҳис этиб, ижодда бунга мукаммал амал қилиб келаётгани шоир ижодий ютуқларининг адабий-эстетик замини мустаҳкам эканидан далолат беради.

ХУЛОСА

Алишер Навоий ижоди наинки туркий адабиётнинг, балки дунё адабий-эстетик тафаккурининг чўққисидир. Буюк шоирдан аввал ва ундан кейин ҳам жаҳон адабиётида бирор ижодкор бу юксакликка кўтарила олган эмас. Шунинг ўзиёқ Алишер Навоий ижодидаги “иъжоз” мақомининг сирларини ўрганиш, буюк шоир ижод лабораторияси ичига теранроқ кириш ва ундан муттасил сабоқ олиш барча замонлар ижодкорларининг камолга эришувида муҳим ўрин тутишига далил бўла олади. Сирожиддин Саййид ана шу ҳақиқатни түлиқ англаб етган, буюк салафи санъатхонасидан сабоқ олишни олий мақсадига айлантирган ҳамда шу йўлда мунтазам заҳмат чекиб келаётган шоирлардан. Бу заҳмату меҳнатлар унинг ижодий юксалишида асосий эстетик омил вазифасини ўтаб келаётгани ҳам айни ҳақиқатdir.


“Хамса” ҳайратлари туркуми Сирожиддин Сайиднинг ҳазрат Навоийнинг буюк бешлиги биринчи достони “Ҳайрат ул-аброр”даги ҳайратлардан ҳайратлари самараси сифатида яратилган бўлиб, тазмин шеърнинг мумтоз адабиётдагидан фарқли ўзига хос намуналари экани жиҳатидан муҳимдир. Шоирнинг “Ҳайрат ул-аброр”дан танлаган байтлари унинг эстетик диди нечоғлиқ баланд эканини кўрсатса, ушбу байтларга тазмин этилган шеърлари ижодий салоҳияти қанчалар юқори экани исботидир.

Сирожиддин Сайид буюк салафи ижодини ўрганиш авлод камолотининг асосий омили эканини кўплаб шеърларида бир-бирини тақрорламайдиган тарзда, оҳорли талқин қилиб келаётир. Улар ҳазрат Навоийни ўқиб-ўрганишга шунчаки даъват бўлмай, улуғ шоир ижодий камолоти сирларини бадиий инкишоф этишга хизмат қилиши нуқтаи назаридан ҳам қимматлидир.

Шоир замонавий шеъриятда ғазал жанрини чин маънода такомилга эриштириш йўлида ҳам аҳамиятли ижодий изланишлар қилмоқда. Унинг бу борада ҳавас қиласи ҳатижаларга эришаётгани сабаби буюк Навоий санъатхонасидан олинган ижод дарсларири дейилса, асло муболаға бўлмас. Ижодкорнинг фардлари ҳам буюк салафи анъаналарини муносиб давом эттираётганига далил бўла олади.

Замонавий шеъриятда арбаъинчилик анъанасини янгилаш тенденциясини Абдулла Орипов бошлаб берган бўлса, Сирожиддин Сайид ижодида ушбу анъана янги эстетик хусусиятлар асосида давом эттирилмоқда. Шоирнинг “Қирқ ҳадис” туркуми ушбу анъана янги ижодий изланишлар, тутилмаган ташбеҳлар, оҳорли истиоралар билан бойитгани жиҳатидан аҳамиятлидир.

Улуғ салафи ғазалларига тахмис боғлаш борасида Сирожиддин Сайид муҳим ижодий ютуқларга эришмоқда. Шоир гарчи Шарқнинг кўплаб буюк шоирлари ғазалларига тахмислар боғлаган бўлса-да, мухаммаснинг энг мукаммал намуналарини ҳазрат Алишер Навоий ғазаллари битган. Мумтоз поэтик анъаналарга янги руҳ бағишлиша буюк устози санъатхонасидан таҳсил олган. Бу эса, ўз навбатида, шоирнинг ижодда камолга эришувини таъминлаб келаётир.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Alisher Navoiy. Hayratul-abror. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi NMIU, 2006.
2. Атоуллоҳ Ҳусайнӣ. Бадоииҷу-с-саноииҷ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981.
3. Исҳоқов Ёқубжон. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: O'zbekiston, 2014. – Б.273.
4. Сайиид, Сироҷиддин. Асарлар. Тўрт жилдлик. Ж. I. – Тошкент: Sharq, 2018.
5. Сайиид, Сироҷиддин. Асарлар. Тўрт жилдлик. Ж. II. – Тошкент: Sharq, 2018.
6. Сайиид, Сироҷиддин. Асарлар. Тўрт жилдлик. Ж. III. – Тошкент: Sharq, 2018.
7. Сайиид, Сироҷиддин. Асарлар. Тўрт жилдлик. Ж. IV. – Тошкент: Sharq, 2018.
8. Тарозий, Шайх Аҳмад идн Ҳудойодод. Фунуну-л-багфа. – Тошкент: Хазина, 1996.

Нурбой Жабборов. Алишер Навоий эстетик оламининг Сирожиддин Саййид шеърияти поэтик такомилига таъсири.....	245
Dr. Siyamek Hüsseyinalizade (Ergin Avşar). Amir Alişir Nevai'nin, Azerbaycan ve Iran coğrafyasında etkileri.....	272
Бахтиёр Файзуллоев. Фоний (Навоий) татабуларида Жомий анъаналари.....	294
Ergash Ochilov. Alisher Navoiy va Kamol Xo'jandiy.....	302
Hülya Uzuntas. Türkiye'deki eğitim sisteminde Alişîr Nevâyî ve es erlerin.....	320
Иқболой Адизова. Навоий асарларида орифа аёллар сиймоси.....	356
Зиёда Насриевна Ғаффорова. Навоийнинг наът ғазалларида шафоат талқини.....	370
Феруза Қаюмова. Навоий ғазалларининг замонавий шарҳи.....	390
Doç. Dr. Fatih Bakirci. Tarihî doğu Türkistan bölgesinde Alişir Nevayi tesiri: ömer baki ve Ferhad ü Şirin örneği.....	402
Нумонджон Нигматов. Ровандийнинг "Эрон ижтимоий тарихи" китобида Алишер Навоий васфи.....	416
Saidbek Boltaboyev. Tarixda Navoiy asarlarining o'g'uz yurtlarida o'qilishi va o'girilishiga doir.....	425
Алишер Рассоқов, Умаржон Ҳимматов. Навоий шеъриятида гадо образининг адабий-эстетик моҳияти.....	452
Олимжон Давлатов. "Қирқ ҳадис"нинг яна бир ўзбекча таржимаси хусусида.....	464